

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти
юқори бошқарув органининг 27-сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2018 йил “ 6 ” 02

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юқори бошқарув органининг ваколатига қирадиган қуйидаги масала бўйича қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

2. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг бошқарув аъзолигига тайинлаш.

Қун тартибдаги биринчи масала бўйича, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари А.С. Шукуровнинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.11.2017 й.даги ПҚ-3380-сонли “Ўзбекқўмир” АЖ ва “Шарғунқўмир” АЖ ларни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибига бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ юқори бошқарув органининг 2017 йил 11 декабрдаги 26-сонли қарорига мувофиқ чиқарилган, номинал қиймати 430 сўм бўлган 3 560 911 610 дона 1 531 191 992 300 сўмлик акциялар тўлиқ жойлаштирилди ва жами чиқарилган акциялар сони 5 506 617 548 дона– умумий қиймати 2 367 845 545 640 сўмни ташкил этмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда Жамият, устав фондини ошириш учун оддий, эълон қилинган номинал қиймати 430 сўм бўлган 9 239 315 362 дона - умумий қиймати 3 972 905 605 660 сўмга қўшимча акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

Юқорида кўрсатиб ўтилган “Ўзбекистон темир йуллари” АЖ юқори бошқарув органи қарорига асосан чиқарилган акциялар жойлаштирилгач, Жамият уставидаги устав фондини ошириш учун оддий, эълон қилинган акциялар сони камайиб, 5 678 403 752 дона - умумий қиймати 2 441 713 613 360 сўмга қўшимча акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

Келгусида қўшимча акциялар чиқарилишини инобатга олиб, жамиятнинг эълон қилинган акциялар сонини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддаси ва Жамият уставида эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш Жамият акциядорининг ваколатига киритилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сон қарорига асосан жамият уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни янги таҳрирда чоп этилиб, “Ягона дарча” марказида рўйхатдан ўтказилади (жамиятининг янги таҳрирдаги устав илова қилинади).

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамият ягона акциядори **кун тартибидаги биринчи масала бўйича қарор қабул қилади:**

1.1. Жамиятнинг устав фондининг миқдори 5 506 617 548 дона оддий акцияларга бўлинган 2 367 845 545 640 сўм этиб белгилансин.

1.2. Жамият, устав фондини ошириш учун оддий, эълон қилинган номинал қиймати 430 сўм бўлган 15 000 000 000 дона - умумий қиймати 6 450 000 000 000 сўмга қўшимча акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

1.3. “Ўзбекистон темир йуллари” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги устав иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 январ 2018 йилдаги 5-сонли қарорига мувофиқ, А.С.Камаловни “Ўзбекистон темир йуллари” акциядорлик жамияти

бошқаруви раисининг ўринбосари этиб тасдиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан жамият ягона акциядори **қарор қабул қилади:**

1.1. Бошқарув аъзолигига тайинланган “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг ўринбосари А.С.Камалов билан меҳнат шартномаси тузилсин.

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
акциядори - Давлат активларини
бошқариш маркази бош
директори в.в.б.**



Миралиев А.Э.